



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет Бош директори
Ш.Х. Ҳабибуллаев

«__» _____ 2021 й.

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг
кенгайтирилган ҳайъат йиғилишининг
3-сон Баёни**

Тошкент ш.

2021 йил 12 февраль

Йиғилишни очди: Ш.Х.Ҳабибуллаев – Бош директор, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти Бош мутахассиси И.Умаров, Бош директорнинг биринчи ўринбосари, марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда “Метеоинфосистем” АТБ раҳбарлари иштирок этди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини ташкил этиш тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил биринчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4896-сон қарори билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати.
4. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг ва унинг тизимидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 2020 йилда кўриб чиқиш ҳолати ва натижалари тўғрисидаги маълумотлари тингланиб, **йиғилиш қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг вақтинчалик ҳайъат аъзолари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил биринчи ярим йиллик иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармони ижроси бўйича:

3.1. Ўзгидромет Ифлосланиш мониторинги бошқармаси (М.Плоцен), Йўл хартасини 251-банд бўйича, Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳолатини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан 2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш; корхоналарда атроф-муҳитнинг ифлосланиш манбалари мониторинги ва давлат экологик назоратини ўрнатиш; атроф-муҳит мониторинги тизимининг ишлаш сифатини ошириш; атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳолатини мунтазам баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифларни **2021 йил 25 февралга қадар** тақдим этсин ҳамда ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳ таркибида қатнашсин;

3.2. Иқлим ўзгариши мониторинги бошқармаси (Б.Нишанов, С.Абдуллаева, Н.Агальцева, Р.Таряникова), Йўл хартасини 253-банд бўйича, Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатли давлат сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига **2021 йил 15 мартга қадар** киритилишини таъминласин.

4. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов) ва Кадирлар бўлими (Ш.Ибрагимова), Вазирлар Маҳкамасининг Бош мутахассиси И.Умаров таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4896-сон қарори билан белгиланган Ўзгидромет Низомини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасини муддатидатидан кечиктириб киритгани учун Ф.Сафаровга интизомий чора кўрилишини таъминласин;

5. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори билан белгиланган муддатлари яқин қолган вазифалар бўйича назоратни кучайтириш мақсадида тизимли мониторингини олиб борсин ҳамда натижаси бўйича хар ҳафта ахборот киритиб борсин.

Котиб МБИваИИБ 1-тоифали муҳандис

Д.Исхакова